O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 30 январь, №21 (3295) Жума

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

**29 январь куни халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Олий Мажлисга Тошкент вилоятидан сайланган депутатлар иштирок этди.**

**Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади**



Мамлакатимизни улкан қурилиш, ободончилик ва бунёдкорлик майдонига менгзаш мумкин. Барча вилоят ва туманларда, шаҳар ва қишлоқларда катта ўзгаришлар бўлмоқда. Бу янгиланишлар нафақат Ватанимиз қиёфасида, балки халқимизнинг онги ва шуурида ҳам ўз инъикосини топмоқда.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятида бўлаётган ўзгаришларни мамлакатимизда кечаётган ислоҳотларнинг, улкан бунёдкорлик ишларининг узвий бир қисми сифатида баҳолади.

Тошкент вилоятининг мамлакатимиздаги ўрни ва мавқеи, инфратузилмаси ва коммуникацияси, табиий захиралари ва инсон ресурслари беқиёс. Юртимизда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотларининг 10 фоизи, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 12 фоизи шу вилоят ҳиссасига тўғри келади.

Афсуски, сўнгги йилларда вилоятнинг обрў-эътиборига соя соладиган камчилик ва нуқсонлар кўпаймоқда. Вилоят кўпгина соҳалар ва йўналишлар бўйича ортда қолмоқда.

Юртбошимиз вилоятдаги аҳвол ҳақида очиқ-ойдин гапирар экан, ижтимоий соҳадаги муаммоларга алоҳида тўхталиб ўтди. Айниқса, таълим ва соғлиқни сақлаш тармоқларидаги аҳвол аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётганини таъкидлади.

Сессияда ташкилий масала кўрилди.

У.Мирзақулов нафақага чиқиши муносабати билан Тошкент вилояти ҳокими вазифасидан озод этилди.

Президент Ислом Каримов тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган Козим Тўлаганов Тошкент вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан Қибрай туманидаги "Маданият" ширкат хўжалиги раиси Акмал Назаров, Паркент тумани ҳокими Мирзамашраб Кўччиев, Бўка тумани ҳокими Жўрабой Мирaлимов, Янгийўл шаҳридаги 3-мактаб директори Равза Зинурова ва бошқалар Президентимиз нутқида белгилаб берилган вазифаларни изчил амалга ошириш, мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш вилоят аҳлининг асосий вазифаси эканини таъкидлади. Воҳанинг азалий обрў-эътиборини тиклаш, катта салоҳият ва имкониятларини рўёбга чиқариш, шуҳратини янада юксалтириш учун вилоят меҳнаткашлари куч-ғайратини аямаслиги ва ташаббускорлик билан меҳнат қилишини қайд этди.

**Воҳид ЛУҚМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**
**СУРАТДА: сессия пайти.**
**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## К.Н.Тўлагановни Тошкент вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93- (12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:

Козим Носирович Тўлаганов Тошкент вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 29 январь.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## У.М.Мирзақуловни Тошкент вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Уммат Маматқулович Мирзақулов нафақага чиқиши муносабати билан Тошкент вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 29 январь.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## К.Н.Тўлагановни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Козим Носирович Тўлаганов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 29 январь.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида

*Муборак Қурбон ҳайити азалдан юртимизда халқимизга хос меҳр ва мурувват, бағрикенглик ва саховат ифодаси бўлиб келаётгани, ушбу айёмда ёши улуғ кексаларга ҳурмат-эҳтиром, кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган ва ногиронларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш хайрли анъана эканини, бу сананинг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Диний байрам — Қурбон ҳайитни дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида" 1991 йил 20 июндаги 221-сон Фармони ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси* **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 2004 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 1 февралга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар Кенгашининг қарори эътироф этилсин ҳамда мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.
2. Мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 27 январь.

## Боқий ҳикмат

*Шундоқ ҳикмат билан гўзалдир ҳаёт:*
*Ҳар кимга нияти бўлгайдир қанот.*
*Меҳру муҳаббатга лойиқдир асли*
*Меҳру муҳаббатни қадрлаган зот.*

Абдулла ОРИПОВ.

Тарих ва тараққиёт

# БУРИЛИШ НУҚТАСИ

### Эврилиш

Аслида, кўп асрлик давлатчилик анъанасига эга, дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган халқимиз тарихида ўн-ўн беш йиллик давр — бир лаҳзадек гап. Ҳатто бу муддат бир йигитнинг камолга етиши учун ҳам камлик қилади. Лекин шундай қисқа вақт ичида Ўзбекистонимиз Президент Ислом Каримов етакчилигида асрларга татигулик тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Ўзбек деган муборак ном ўз қадрини топди.

Навқирон Ўзбекистонимиздаги тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битиладиган, келгуси авлодларга ибрат бўлиб қоладиган бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳар қанча гапирсак — оз. Тоғнинг чинакам маҳобатини яқиндан эмас, узоқдан туриб кўриш мумкин бўлганидек, бу даврда амалга оширилган ислоҳотларнинг аҳамияти йиллар ўтган сари янада ортиб бораверади.

Аммо эришган ютуқларимизга маҳлиё бўлиб, бу муваффақиятлар қандай мураккаб курашлар эвазига қўлга киритилганини, улар халқимиздан, унинг етакчисидан нақадар улкан матонат талаб қилганини, жамиятни кулфат ва мусибатлар домига тортмоқчи бўлган қанчадан-қанча сурону тўфонлар, тараққиётни бутунлай бошқа бир йўлга буриб юбориши мумкин бўлган хатарли таҳдиду хуружлар бартараф этилганини ёддан чиқармаслигимиз керак.

Кечагина биз ким эдик? Бошимизга қандай хўрлик ва кўргуликлар тушган эди? Қандай йўқотишларга дучор бўлган эдик?.. Бундай саволлар қулоғимиз остида мудом янграб турмоғи лозим. Неча юз минглаб ватандошларимиз мана шу ёруғ кунларни орзу қилиб, эрк дея, озодлик дея армон билан дунёдан ўтиб кетгани, миллатимизнинг не-не асл фарзандлари қатағонга учрагани, эътиқодимиз, тарихимиз, муқаддас қадамжоларимиз, ота-боболаримизнинг хотираси, қабрлари оёқости қилингани, бугунги дориломон кунларга эса қачон ва ким томонидан, қандай тарихий шароитда асос солинганини унутишга ўзини шу мамлакатнинг фуқароси деб билган, тақдирини шу юрт тақдири билан боғлиқ ҳолда кўрадиган ҳеч бир инсоннинг ҳаққи йўқ. Зеро, тарихий руҳ халқни мудом уйғоқликка ундайди, улуғвор мақсадлар йўлида бирлаштиради.

Мустақиллигимиз тарихи ҳақида ўйлаганда, беихтиёр 1991 йилнинг 31 августи ёдга тушади. Чунки худди шу куни халқимиз ҳаётида оламшумул воқеа содир бўлди — Ўзбекистон мустақил ва суверен давлат деб эълон қилинди. Аммо тарихий ҳужжатлар Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўли 1989 йил июнидан, яъни Ислом Каримовнинг республикага раҳбар бўлиб келиши билан бошланганидан далолат беради. Шу нуқтаи назардан 1989 йилни ҳеч иккиланмай миллий давлатчилигимиз тарихининг **бурилиш нуқтаси** деб аташимиз мумкин.

Келинг, ана шу бурилиш нуқтасининг баъзи тафсилотларини кўздан кечирайлик.

### Қашқадарёга «сургун»

Ислом Каримовнинг партия ишига ўтиши, 1986 йилдан Қашқадарёга раҳбар бўлишининг биз билган ва билмаган тафсилотлари бор. *(Ўқинг:* ***Поён Равшанов. "Қашқадарё: истиқлол арафасида. 1986 — 1989 йиллар". Тошкент, "Маънавият", 2003.)*** Гап шундаки, юртбошимиз ҳеч қачон том маънодаги партия ходими бўлмаган. Зикр этилган китобда мамлакатимиз раҳбарининг бу ҳақдаги хотиралари келтирилади:

*"Воқеа бундай бўлган эди. 1986 йили, Давлат план комитетининг раиси бўлган пайтимда, ишларнинг аҳволини чуқур ўрганиб чиққач, республика иқтисодий ҳалокат ёқасида турганини англадим. Шу боис менинг шахсий иштирокимда "Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари тўғрисида" махсус хат тайёрланди ва у республика раҳбариятига тақдим этилди.*

*Ўшанда мен бу хат жиддий кўриб чиқилишига умид қилган эдим, лекин бунинг ўрнига жеркиш эшитдим.*

*Москванинг ўша пайтдаги гумаштаси, республика Компартияси Марказқўмининг иккинчи котиби Анишчев менга қаттиқ ва қўпол танбеҳ берди.*

*Умуман, мен ўша вақтда ўзимни қуршаб олган тазйиқ ҳалқаси тобора сиқиб келаётганини сезар эдим. Раҳбарият мени очиқдан-очиқ ажратиб ташлаётган эди. Бундан буён Тошкентда туришим номақбул бўлиб қолди.*

*Қаршига, Қашқадарё вилоятига "сургун" қилинишимдан олдинги воқеалар, қисқача айтганда, ана шулардан иборат.*

*Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бу ўринда партия тизимида жорий этилган тартиб-қоидалар, яъни вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби лавозимини эгаллаш тартиби умуман бузилган эди. Мен КПСС Марказқўми аппаратида стажировкадан, аниқроғи, текширувдан ўтиш у ёқда турсин, ҳатто Сиёсий Бюро мажлисида ҳам сиртдан тасдиқланган эдим".*

**Тарих — бир лаҳза бўлсин, тиним билмас узлуксиз жараён. У баъзи замонларда шу қадар зўр суръатлар билан кечадики, инсон бугуннинг ташвишию эртанинг ғами билан бўлиб, ўтган кунини, сал қолса, унутаёзади ҳам.**

**Истиқлолимиз арафасида — айнан мустақилликка эришиш йўлида дастлабки залворли одимлар ташланган йиллардан буён кўп фурсат ўтгани йўқ. Балки ўша давр воқеа-ҳодисалари кўпчиликнинг ёдида бордир. Сиёсатшунос Қуддус Аъзамнинг мақоласида таҳлил этилган жараёнлар, шарҳланган воқеа-ҳодисалар, далил-ҳужжатлар муҳтарам журналхонларга маълум даражада таниш бўлиши ҳам мумкин.**

**Бироқ хайрли ишларни, айниқса, тарихнинг бурилиш нуқталарини эслаб, такрорлаб туриш ҳеч қачон ҳеч кимга зиён қилган эмас.**

### Кремль воқеаси

Ўзбекистон Компартияси Марказқўмининг 1984 йили бўлиб ўтган машъум XVI пленумидан сўнг собиқ Иттифоқ раҳбариятидан катта ваколат олган, республикага гўёки тартиб ўрнатиш учун келган В. Анишчев каби кимсаларни аслида бу ердаги ҳақиқий аҳволни ўнглаш масаласи мутлақо қизиқтирмас эди. Аксинча, улар шу юртга ичи ачиб, вужудга келган кескин вазиятни ижобий томонга ўзгартириш ниятида юрган одамларни, қандай қилиб бўлса-да, раҳбарлик лавозимларидан четлаштириш ҳақида бош қотирарди.

80-йилларнинг охирида бошланган, мазмун ва моҳиятини ҳеч ким охиригача тушуниб етмаган "қайта қуриш" таъсирида собиқ империядаги иқтисодий-ижтимоий турғунлик шиддат билан танглик тусини ола бошлади. Мамлакатда ошкоралик ниқоби остида минг-минглаб бегуноҳ одамларнинг ҳаётига зомин бўлган миллатлараро низолар келиб чиқди. Бундан устамонлик билан фойдаланиб ҳокимиятни қўлга олмоқчи бўлганлар мавжуд вазиятни янада беқарорлаштириш учун митингбозлигу сиёсий сафсатабозликни авж олдирди. Собиқ марказнинг кўрсатмасига биноан Кавказ, Болтиқбўйи ва бошқа минтақалардаги республикаларнинг тинч аҳолиси устига қўшин тортилди. Юзлаб бегуноҳ одамларнинг қони тўкилди. Мустабид тузумнинг асл башараси фош бўлди.

Ўша даврда СССРнинг арзон хомашё базасига айланган Ўзбекистондаги вазият бошқа республикалардагига қараганда оғир эди. Иқтисодий ва ижтимоий муаммолар кўпайган, жойларда бошбошдоқлик кучайиб, қонли низолар юз берган, пахта яккаҳокимлиги натижасида иқтисодиёт бир томонлама ривожланиб, чуқур инқирозга юз тутган эди. Айниқса, собиқ раҳбарларнинг субутсизлиги оқибатида содир бўлган Фарғона воқеаларидан сўнг вазият янада чигаллашди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов ана шундай мураккаб бир шароитда Ўзбекистон раҳбари этиб тайинланади.

1989 йили июнь ойида Ислом Каримов собиқ СССРнинг энг нуфузли, мамлакат тақдирини ҳал қиладиган органи — Сиёсий Бюро йиғилишига таклиф қилинади. Йиғилишни КПСС Марказий Қўмитасининг бош котиби, империя раҳбари М. С. Горбачёв очади. Кун тартибига биноан, Ўзбекистонга янги раҳбар тайинлаш масаласи муҳокама этилади.

Одатда Сиёсий Бюрода кўриладиган масалалар аввал минг чиғириқдан ўтказиб, келишиб олинар эди. Мажлис эса қарор ёки унинг лойиҳасини эълон қилиш учунгина чақириларди.

Аммо Сиёсий Бюронинг бу галги мажлиси тамомила бошқача руҳда ўтади. Сиёсий Бюро аъзолари Ўзбекистонга раҳбар тайинлаш масаласида ўзаро тортишиб қолади.

Ислом Каримов ўша йиғилишни қуйидагича хотирлайди:

*"Мен қандай қилиб Ўзбекистон Компартиясининг биринчи котиби бўлиб қолдим? Мени 1989 йил июнь ойининг дастлабки кунларида... Москвага таклиф этишди. Тегишли учрашувлар, суҳбатлар бўлиб ўтди. 10 ёки 11 июнь куни, ҳозир аниқ эсимда йўқ, мени Сиёсий Бюро мажлисига таклиф этишди. Лигачёв кутилмаганда менга ташланишни бошлади. Умуман, муҳокама оҳанги нафақат танқидий, балки, бу ҳам мен учун кутилмаган бир ҳол эди, беписандлик, ҳатто ҳурматсизлик тусини ола бошлади. Шунда мен минбардан Горбачёвга қарата:*

Давоми 2-бетда)

Пойтахтимизда



## Қўшма лойиҳа

***Тошкент (ЎзА мухбири Н.УСМОНОВА).***

"Пойтахт" меҳмонхонасида "Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича касбий таълимга кўмаклашиш" мавзуидаги Ўзбекистон-Германия лойиҳасининг ижросига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Лойиҳа Ўзбекистон Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими маркази, Германия Техник ҳамкорлик жамияти ва Германиянинг KfW банки томонидан амалга оширилмоқда.

Семинарда таъкидландики, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг асосий вазифалари ахборотлаштириш миллий тизимини яратиш, иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва жамият ҳаётига замонавий ахборот технологиялари, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини жорий этишдир.

Мазкур қўшма лойиҳа 2003 йил октябрида бошланган бўлиб, унинг учун мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан ўнта касб-ҳунар коллежи танлаб олинган. Ҳозирги вақтда ахборот-коммуникация технологияларига оид касблар бўйича мавжуд стандартларни қайта текшириш ва такомиллаштириш ишлари олиб борилмоқда. Касбий стандартларни ишлаб чиқиш мақсадида семинарлар ўтказиш, ўқув дастурларини тайёрлаш, коллежларни ўқув жиҳозлари билан таъминлаш лойиҳанинг ажралмас қисми саналади. Асосийси, ҳозирда эҳтиёж катта бўлган электрончи, ахборотчи, ахборот ва телекоммуникация тизимлари соҳаси иқтисодчиси каби мутахассисларни тайёрлаш кўзда тутилган.

Жойлардан хабарлар

**Бутунжаҳон почта иттифоқи кўп йиллардан бери 15 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида хат кўринишидаги (эпистоляр) иншо танловларини ўтказиб келмоқда.**

## Истеъдодга имкон кенг

**Ундан кўзда тутилган мақсад ўқувчиларнинг мустақил фикр-мулоҳаза юритиш қобилиятини ўстиришга кўмаклашиш, мамлакатлар ўртасида дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашдир.**

**Қизилтепалик Ойдин Улуғова ўтган йили шундай танловнинг республика босқичида биринчи ўринни эгаллаб, «Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компаниясининг қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланганди. Ҳозиргача уч юздан ортиқ хат кўринишидаги эпистоляр иншолар қабул қилинди. Ғолиблар Бутун жаҳон почта иттифоқи ташкил топган кун — 9 октябрда аниқланади.**

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Изланишлар тежамкорликни таъминлайди

**Ғўзанинг баравж, серҳосил ўсиши, илдиз чириши ҳамда гаммоз касалликларининг олдини олишда уруғлик чигитга сифатли ишлов бериш муҳим роль ўйнаши маълум. Шу боис Жиззах вилоятида уруғлик чигитни туксизлантириш, дорилаш жараёнида соҳа мутахассислари, олимлар тавсияси билан «ортен» препаратига «Бронетак» ҳамда «Пи-4» препаратларини қўшиб ишлаш йўлга қўйилди. Шундай қилинса, эндигина униб чиққан ғўзаларга дастлабки зараркунандалар — шира, трипс каби ҳашоратлар зиён етказолмайди.**

**Вилоят «Давлат уруғ назорат маркази» раҳбари Абдувоҳид Абдусатторовнинг таъкидлашича, ҳозиргача шу усулда 2 минг тоннадан зиёд уруғлик чигит тайёрланди.**

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Маънавият

# БУРИЛИШ НУҚТАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

*— Михаил Сергеевич! Менинг номзодимни олиб ташланг. Бу ерда кимгадир ёқмаётганга ўхшайман. (Мен, аввало, Лигачёвни назарда тутган эдим.) Менинг кетишимга ижозат беринг, — дедим.*

*Горбачёв мени ушлаб қолишга уринар эди, мен эса яна қайта: “Кетишга ижозат беринг”, дедим.*

*У кескин оҳангда: “Бўпти, оёқ тираб туриб олган экансиз, кетаверинг”, деди. (**Леонид Левитин. “Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида”. Тошкент, ”Ўзбекистон”, 2001, 40-бет**.)*

Ичкиликбозликка қарши кураш шиори остида собиқ Иттифоқдаги минг-минглаб гектар токзорларни қуритишга сабаб бўлган Егор Лигачёвнинг асабийлашиши асло бежиз эмас эди. Партократиянинг “темир қонун”ларига биноан, республика раҳбарлигига номзод камида республика Олий Советининг раиси ёки ҳукумат раҳбари лавозимида ишлаган одамлар орасидан кўрсатилиши лозим эди. Ислом Каримов эса ўша вақтда Қашқадарё вилояти раҳбари эди. Егор Лигачёвни айнан мана шу ҳол ташвишга солган.

Сиёсий Бюро йиғилиши бундай кескин тусда ўтишининг шу чоққача бизга номаълум бўлиб келаётган бошқа сабаблари ҳам бор экан.

Ўша кезларда собиқ СССРнинг етакчи раҳбарларидан бири бўлган, Сиёсий Бюро аъзоси А. Н. Яковлев ана шу сабаблардан бирини хотирлаб бундай деб ёзади:

*“Мен Ислом Каримовни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби лавозимига қандай тайинлашганини яхши эслайман. Бу масалани ҳал этиш жуда қийин кечган эди. Дастлаб унга ким тарафдору ким қарши эканини билиб олиш мушкул бўлган эди. Дарҳақиқат, Сиёсий Бюрода бу масала бўйича якдиллик йўқ эди. Бу вазиятни Ислом Каримовнинг ўзи ҳам тўғри баҳолаган ҳолда хотирлайди. Тан олишим керакки, бу лавозимга тайинлашдан олдин бериладиган айрим маълумот ва ҳужжатлар туфайли менда ҳам бу одамга нисбатан қандайдир шубҳа уйғонган эди. Бироқ, қанчалик ғайритабиий туюлмасин, айнан шундай ҳужжатлардан бирининг мазмуни менинг барча шубҳа-гумонларимни тарқатиб юборди. Ҳужжатлар орасида ётган бу қоғознинг — у Ўзбекистондан келган хат эдими, москвалик бирон “хайрихоҳ одам”нинг уйдирмаси ёки Давлат Хавфсизлик Қўмитасининг маълумотномаси эдими, қаёқдан пайдо бўлгани ҳозир аниқ эсимда йўқ. Хуллас, у чақувга ўхшаган бир нарса эди. Ҳамманинг жонига теккан ва сийқаси чиққан жазолаш органлари мамлакат ҳаётига тиқиштирган партиявий селекция амалиёти давом этмоқда эди.*

*Мен Ислом Каримовнинг тайинланишини ёқлаб овоз бердим. Менга унинг вазмин ва камгаплиги, ўзини тута билиши маъқул тушди”. (**Ўша асар, 6-бет**.)*

А. Яковлев одилона таъкидлаганидек, Ислом Каримовнинг инсоний қадр-қимматини яхши англаб, шундай мураккаб вазиятда ўзини вазмин тута олгани, СССРнинг Сиёсий Бюродек энг нуфузли органи йиғилишида ҳам фикрида қатъий тургани мажлис иштирокчиларида катта таассурот қолдирган. Раҳбар этиб тайинланишида ҳам айни шу ҳол ҳал қилувчи омил вазифасини ўтаган бўлса керак.

Хуллас, 1989 йил 23 июнь куни Ислом Каримов Ўзбекистон раҳбари этиб тайинланди.

## Фарғона воқеалари

Ислом Каримов раҳбарлик фаолиятининг илк кунидан бошлаб йиллар мобайнида тўпланиб қолган бир-биридан чигал муаммоларга дуч келди. Янги раҳбар ишни, аввало, Фарғона фожиасини бартараф қилишдан, юртимизда тинчлик ва барқарорликни қарор топтиришдан бошлади. Чунки бу бутун халқимиз манфаатларига жавоб берадиган энг муҳим масала эди.

80-йилларнинг охирига келиб собиқ империя заифлашиб қолган эди. Республикалар ўзига эркинлик талаб қила бошлади. Бундай жараёнлардан таҳликага тушган мустабид тузум раҳбарлари уларни тутқунликда сақлаб қолиш мақсадида турли фитнаю иғволар уюштирарди. Шу тариқа вазиятни издан чиқариб, “Сиз марказсиз мустақил яшай олмайсиз, акс ҳолда мана шунақа даҳшатли хунрезликлар рўй бераверади”, деган машъум фикрни одамлар онгига сингдирмоқчи бўларди. Фарғона водийсида рўй берган можаролар ҳам ана шундай ғаразли мақсадларда ташкил этилган эди.

Собиқ марказ Фарғона воқеаларини рўкач қилиб, ўзбек халқини дунёга ёмонотлиқ этишга уринди. Оммавий ахборот воситалари орқали содда ва камтарин, заҳматкаш ва бағрикенг юртдошларимизга нисбатан “босмачи”, “ашаддий миллатчи”, “экстремист”, “нашавандлар тўдаси” деган бўҳтон гаплар тарқатилди. Жумладан, Головкова деган журналист сурбетларча бундай деб ёзган эди: *“20-йилларда босмачилик ҳаракатини уюштирган ўзбекларнинг қўли бугун ҳам калтак-тўқмоқларга тез-тез чўзиляпти” (Бу ҳақда ўқинг: **“Гулистон” журнали, 1990 йил, 2-сон, 11-бет**).*

Бундай уйдирмалар оқибатида Совет Армияси сафида, асосан қурилиш батальонларида (ўзбеклар кўпроқ шундай қисмларга юборилар эди) хизмат қилаётган йигитларимизни хўрлаш ва камситиш баттар авж олди. Биргина 1989 йилнинг ўзида 430 нафар ўзбекистонлик аскар нобуд бўлди. Ислом Каримов ана шу фожиали воқеаларни хотирлаб бундай деган эди: *“Ўша замондаги носоғлом муҳит оқибатида ҳарбий хизматдаги қанча болалар ҳалок бўлиб, уйларига қорахат келганида, уларнинг мусибат эзиб ташлаган ота-оналарига ҳамдард бўлган кунларимни мен бугун ҳам изтироб билан эслайман”* **(Ислом Каримов. “Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир”. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2003, 12-бет).**

Республиканинг собиқ раҳбарлари халққа яқин бориш, миллат шаънини ҳимоя қилиш, фожианинг асл сабабларини очиб ташлаш ўрнига, Фарғона воқеаларини хаспўшлаб, уларни *“бир ҳовуч қулупнайдан келиб чиққан оддий жанжал”*га йўймоқчи бўлишди. Бошқача айтганда, улар марказнинг ноғорасига ўйнаб, ўз халқи манфаатларига тескари иш тутди.

Ислом Каримов раҳбарлик фаолиятининг илк кунлариданоқ Фарғона воқеаларига биртомонлама қараш, бу можароларда ўзбек халқини айбдор қилиш ҳаракатига қарши чиқди.

Ўша даврда Фарғона воқеаларига ҳаққоний баҳо бериш, шу тариқа юртимиз манфаатларини, халқимиз шаъни ва ғururини ҳимоя қилишнинг ўзиёқ мустабид тузум сиёсатига қарши чиқиш билан баробар эди. Бу республика раҳбаридан бениҳоя катта жасорат талаб қиларди. У киши 30 июнь куни Фарғона водийсига етиб борди, одамлар билан учрашди. Фожианинг асл сабаблари, уларни бартараф этиш йўллари ҳақида очиқчасига гаплашди. Янги раҳбарнинг ҳар томонлама асосли ва ҳаққоний фикрларини эшитгач, ғазабга тўлган одамларда келажакка ишонч пайдо бўлди.

Тез орада ҳаётда бу оқилона ёндашувнинг амалий натижалари кўрина бошлагач, нафақат Фарғона водийси, балки бутун юртимиздаги вазият ижобий томонга ўзгара борди. Халққа қўшимча томорқалар берилиши, пахта майдонларининг қисқартирилиши, миллий қадриятларни тиклашга катта эътибор қаратилгани Ислом Каримов республикада мустақил ва халқчил сиёсат юритишга қатъий бел боғлаганидан далолат берар эди.

## «Пахта иши»

Ўзбекистоннинг янги раҳбари олдида турган, мардлик ва жасорат билан, ҳар томонлама пухта ўйлаб ҳал этишни талаб қиладиган муаммолар кўп эди. Шулардан энг мушкули — “пахта иши” деб аталган, минг-минглаб инсонларга нисбатан адолатни тиклаш, Ўзбекистон номини, халқимиз шаънини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масала эди.

Собиқ марказ 80-йилларнинг охирида "пахта иши" ниқоби остида юртимизда навбатдаги қатағонни бошлаб юборган эди. Бунинг натижасида қанчадан-қанча масъул ходимлар ва раҳбарлар, мутахассислар ва оддий деҳқонлар қамоққа олинди. Бу жараён катта бир фожиага айланиб, бутун республикани қамраб олди. Кексалардан тортиб аёлларгача, беморлардан тортиб болаларгача — ҳамма-ҳамма сўроққа тортилди.

Гдлян ва Ивановлар бошчилигидаги жиноий тўда юртимиз бўйлаб қўрқинчли кўланкадай изғиб, кўнглига келган номаъқулчиликни қилишга уринарди.

Биргина Қашқадарё вилояти мисолида бундай шафқатсизлик қандай оғир оқибатларга олиб келганини қуйидаги рақамларда кўришимиз мумкин: вилоят раҳбарининг 3 муовини, 8 нафар бўлим мудири, шаҳар ва туман партия қўмиталарининг 26 нафар котиби, вилоят ижроия қўмитасининг раиси, унинг 4 ўринбосари, масъул котиби, шаҳар ва туман ижроқўмларининг 12 нафар раиси, йирик ташкилотларнинг 27 раҳбари, колхоз ва совхозларнинг 99 нафар раис ва директори ишдан олинди, уларнинг аксарияти жиноий жавобгарликка тортилди. Бошқа вилоятлардаги аҳвол ҳам шунга ўхшаш эди.

Энг ачинарлиси, республиканинг собиқ раҳбарлари бу фожиа ҳақида бонг уриш у ёқда турсин, аксинча, марказга ёқиш илинжида, янада кўпроқ кадр юборинг, дея ялтоқланар эди. Натижада маҳаллий кадрлар ўрнига Ўзбекистоннинг шарт-шароитини мутлақо билмайдиган, минг йиллик муқаддас урф-одатларимиз ҳақида зиғирча ҳам тасаввурга эга бўлмаган, умрида пахтани кўрмаган, турли ўлкалардан келган “десантчи-мутахассис”лар масъул лавозимларни эгаллаб олди. Улар аксарият ҳолларда миллий қадриятларимизни оёқости қилиб, халқимизнинг бойликларини талаб, бегуноҳ одамларни ишдан бўшатиб ё қамаб, ўзларича “тозалаш” ўтказди.

Лекин қанчадан-қанча мард ва ботир фарзандларни, буюк инсонларни вояга етказган халқимиз орасида бундай адолатсизликка қарши жасорат билан майдонга чиқишга қодир бўлган одамлар ҳам бор эди. Буни Ислом Каримовнинг 1986-89 йилларда Қашқадарё вилоятидаги раҳбарлик фаолияти яққол тасдиқлайди. Шу маънода Ўзбекистонда юз берган сўнгги қатағонга қарши кураш 1986 йилдан, яъни Ислом Каримов Қашқадарёга биринчи котиб этиб тайинланган вақтдан бошланган эди, десак, хато бўлмайди. Вилоят раҳбари ўша қалтис дамларда ҳам, аввало, адолатни тиклаш, "пахта иши" баҳонасида қамоққа олинган юртдошларимизнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг оила аъзоларига моддий ёрдам кўрсатиш, маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласига қаттиқ киришгани, албатта, улкан жасорат намунаси эди.

Ислом Каримов республикага раҳбар бўлиб келгач, бу борадаги ишларни янада кучайтирди. Айниқса, унинг 1989 йил 19 август куни сўзлаган нутқида адолатсиз равишда ишдан четлатилган маҳаллий кадрларни ўз ўрнига қайта тиклаш ва ёш маҳаллий мутахассисларни лавозимларга кўтариш масаласини ўртага қўйгани бу йўлда қилинган катта амалий ишларнинг дебочаси эди.

1989 йилдан бошлаб Ўзбекистонга ташқаридан “мутахассис экспорти” тажрибасига тамоман чек қўйилди. Кўп ўтмай масъул лавозимларни эгаллаб турган 400дан ортиқ “десантчи” хуржунини елкалаб, бирин-кетин келган жойига равона бўлди. Ўшанда уларнинг аксарияти тишини қайраб, “Шошмай туринглар ҳали, қайтиб келиб таъзирларингни берамиз”, деб дўқ-пўписа қилган бўлса-да, юртимиз раҳбари ўз танлаган йўлини изчил давом эттираверди. Чунки у тоғдек таянч бўлиб турган халқимиз иродасига, ҳақиқат ва адолат тантанасига ишонган, бу йўлда ҳеч қандай қийинчиликдан қўрқмайдиган мард ва собит йўлбошчи эди. Аммо, СССРдек дунёни зир титратган улкан салтанатнинг қулашини тасаввур эта олмаган, барибир, Москва айтганини қилдиради, дея ҳануз эскича ўйхаёл билан яшаб юрган баъзи маҳаллий мансабдорлар ўзини чеккага тортиб, иккиланиб турарди.

Ана шундай мураккаб шароитда собиқ иттифоқдош республикалар орасида биринчи бўлиб бизда бош прокурор Ўзбекистон Президентининг тавсиясига биноан тайинланди. Ислом Каримов бош прокурор олдига республикамиз манфаатларини ҳимоя қилиш, энг аввало, “пахта иши” юзасидан ноҳақ қамалган фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқини тиклаш масаласини қўйди.

Шундан кейин “пахта иши” бўйича махсус комиссия тузилди. Бу комиссия юзлаб жиноий ишни синчиклаб ўрганди, тергов ҳужжатларини Ўзбекистонга қайтариб келишга муваффақ бўлди. Узоқ давом этган машаққатли кураш натижасида қатағон тегирмони тўхтатилди ва ноқонуний равишда ҳибсга олинган минглаб ватандошларимиз озодликка чиқди.

Ўзбекистонга “қонун посбонлари” сифатида, гўёки адолат ўрнатиш учун келган “десантчи”лар томонидан содир этилган қонунбузарликлар маҳаллий кадрларнинг кенг кўламда қувғин қилиниши, жиноятчиликнинг босқинчилик, ўғрилик, товламачилик, қотиллик каби ўта оғир турлари авж олишига сабаб бўлган эди.

Жабр кўрган фуқароларни баттар хўрлаш, таҳқирлаш шу даражага бориб етдики, машинани ўғирлаганларнинг ўзлари уни “топиб бериш” бўйича “хизмат”ини таклиф этадиган, шу тариқа кишиларни янада кўпроқ талайдиган бўлиб қолган эди.

Қонунсизлик ва бошбошдоқлик кучайиб кетиши оқибатида ҳар хил безори кимсалар, жиноий гуруҳлар одамлар устидан ҳукм чиқариб, уларга ўзларича жазо белгилай бошлади.

Бундай таҳликали жараёнга фақат қонун кучига таяниб, кенг жамоатчилик билан баҳамжиҳат иш юритган ҳолдагина чек қўйиш мумкин эди. Ўзбекистон раҳбари ана шу тамойилга амал қилиб, уюшган жиноятчиликка қарши 1989 йилдаёқ изчиллик ва қатъият билан кураш бошлади: *“Халқнинг ҳозирги куни ва келажагини кўзлаб бундай хатти-ҳаракатларнинг пайини қирқамиз. Онгли равишда ана шу ботқоққа итараётган кишилар билан бир йўлдан бора олмаймиз... Шунинг учун ҳам биз жиноятчиликка, айниқса, уюшган жиноятчиликка қарши курашни, хизмат мавқеининг ҳар қандай йўсинда суиистеъмол қилинишига қарши шафқатсиз курашни шу куннинг биринчи даражали ва энг ўткир вазифаси деб биламиз”* **(“Совет Ўзбекистони”, 1990 йил, 4 январь).**

Бундай ҳаракатлар юртбошимиз сиёсий фаолиятининг маъно-мазмунини белгилаб берадиган Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини таъминлашдек эзгу ва олижаноб ғояларга асосланганни учун шу борадаги сиёсат истиқлол йилларида ҳам узлуксиз давом эттирилди. Айнан ана шундай сиёсат туфайли мамлакатимиз ижтимоий ҳаёт кўрсаткичлари бўйича салмоқли натижаларга эришмоқда. Буни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ЮНИСЕФ халқаро жамғармасининг 2002 йил мониторинги натижалари ҳам яққол кўрсатиб турибди. Биргина жиноятчиликка қарши кураш соҳасини оладиган бўлсак, мустақиллик йилларида юртимизда жиноятчиликнинг умумий даражаси учдан бирга камайиб, 2002 йилда 100 минг кишига нисбатан 298 ҳолатни ташкил этди. Бу кўрсаткичларни узоқ-яқин қўшниларимиз бўлмиш бошқа давлатларнинг шу борадаги натижаларига солиштирадиган бўлсак, мамлакатимизда мустақиллик йилларида бу йўналишда чиндан ҳам катта ишлар амалга оширилганига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз. Масалан, Россияда жиноятчилик шу даврда икки баробар ўсиб, ҳар 100 минг кишига 2056 ҳолат тўғри келади; Украина, Молдова ва Қозоғистонда жиноятчилик даражаси Ўзбекистондагидан уч баробар юқори. Вояга етмаганлар орасида жиноят содир этиш ҳолатлари Ўзбекистонга нисбатан Россияда 15, Украинада 10, Қозоғистонда эса 6 баробардан кўпроқ кўрсаткични ташкил этган **(“Халқ сўзи”, 2003 йил, 14 октябрь).**



*«Эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин ...»*

Албатта, бундай ижобий натижаларга жиноятчиликка қарши фақат маъмурий йўл билан курашибгина эришиб бўлмайди. Булар, аввало, қонунчиликни мустаҳкамлаш, жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, қисқаси, кенг кўламли ислоҳотлар орқали кўлга киритилади. Бугун комил ишонч билан айта оламизки, Ўзбекистон халқи Президент Ислом Каримов раҳбарлигида бу қийин ва шарафли вазифани муваффақиятли адо этмоқда.

## Иқтисодий аҳвол

Истиқлол арафасида республикамизда иқтисодий вазият ҳам ғоят кескин эди. Юртимиздан олиб чиқиб кетилаётган бойликларнинг 70 фоизини фақат хомашё ташкил қилар, четдан эса 70 фоиз тайёр маҳсулот олиб келинар эди. Энг ачинарлиси ҳам — ўзимиздан олиб кетилган хомашёдан тайёрланган газламалар, кийим-кечаклар яна ўзимизга бир неча баробар қимматга сотиларди. Ўз пахтаси билан дунёни кийинтирган юртда ҳатто кафанлик учун зарур бўладиган сурп махсус рухсатнома билан берилганини қандай изоҳлаш мумкин?!

Пахта яккаҳокимлиги туфайли уйларнинг остонасигача чигит экиларди. Бунинг натижасида халқимизнинг қадимий деҳқончилик ва чорвачилик маданияти ривожланмай қолди. Ислом Каримов республика иқтисодиётига бу тарзда бирёқлама муносабат қандай ачинарли оқибатларга олиб келгани ҳақида тўхталиб бундай деган эди: *“Танг қоладиган ери шундаки, қишлоқлардаги ҳар беш хонадоннинг бирида биророрта ҳам чорва мол, 37 фоизида сигир, ярмисида қўй боқилмаяпти. Андижон, Наманган ва Тошкент вилоятларида эса аҳвол яна ҳам мушкул”* **(“Совет Ўзбекистони”, 1989 йил, 23 август).**

Шўро даврида шахсий чорва ҳам “хусусий мулкчилик қолдиқлари” сифатида давлат томонидан шафқатсизларча талон-тарож қилинарди. Миллионлаб ватандошларимиз эса мутлақо уй-жойсиз ва томорқасиз қийналиб яшарди. Кўпгина муаммоларнинг негизи айнан шу масалага бориб боғланишини билган республика раҳбари бу соҳага ҳам алоҳида эътибор қаратди: *“Қаранг, бугунги кунда қишлоқларимизда 240 минг оиланинг ери йўқ, 1 миллион 800 мингдан кўпроқ ҳовли эса уй-жой қурилиши ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун кенгайтиришга жуда муҳтож бўлиб турибди. Фақат Тошкент шаҳрида 92 минг оила ер участкаси олиш учун навбатда турибди”* **(Ўша манба).**

Шахсий хўжалиги, хусусий мулки бўлмаган одамлар фақат давлат берадиган маошга қараб қолган эди. 80-йилларнинг охири, 90-йилларнинг бошига келиб иттифоқдош республикалар ўртасидаги иқтисодий алоқалар узила бошлагач, бизда етиштириладиган пахта хомашёсини қайта ишлайдиган корхоналар тўхтаб, минглаб одам ишсиз ва маошсиз қолди. Энг ёмони — республикада очарчилик хавфи туғилди. Ваҳимага тушган аҳоли дўкон пештахталарини супуриб кета бошлади. Совун, пахта ёғи каби кундалик турмушга зарур оддий маҳсулотлар ҳам тақчил бўлиб қолди.

Бундай мушкул вазиятни ўнглаш юзасидан республика раҳбарияти вақтида тегишли чора-тадбирларни кўрди. Махсус қарор билан одамларга томорқа ва уй-жой учун ер берила бошлади. Одамлар яна ишлашни, тадбиркорликни ўрганди. Уларда эгалик туйғуси пайдо бўлди. Албатта, бу борадаги ишлар ҳам силлиқ кечгани йўқ. Эски даврни қўмсаб юрган айрим раҳбарлар, нима қилиб бўлса ҳам, бу жараённи секинлаштиришга уринарди.

Бундай қаршиликни енгиш, таъмагирлик ва порахўрлик ҳолатларига зарба бериш мақсадида 1989 йил 17 август куни республика ҳукумати томонидан “Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ва якка тартибда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш тўғрисида” қарор қабул қилинади.

Ўша йили Ислом Каримовнинг ташаббуси билан одамларга жуда катта миқдорда узоқ муддатли кредитлар — қарзлар берилди, уй-жой қуриш учун бинокорлик материаллари, аҳолининг чорваси учун дағал емхашак ажратилди. 80-йилларнинг ўрталарида йилига 2,5-3 миллион квадрат метр уй-жой қурилган бўлса, 1989 йили яратилган имкониятлар туфайли бу кўрсаткич 4,9 миллион квадрат метрни ташкил этди. Якка тартибда уй-жой қурувчиларга бериладиган қарз ресурсларининг умумий ҳажми 1989 йилда бир ярим баробар кўпайтирилди ва 187 миллион сўмга етказилди.

Одамларга ер улашиш, уларни иш билан таъминлаш, аҳолини, айниқса, аёллар ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида олиб борилган оқилона сиёсат халқимизга тарихнинг оғир синовларидан омон-эсон ўтиш, юзага келиши мумкин бўлган ижтимоий танглкларнинг олдини олиш, иқтисодий юксалиш учун замин тайёрлаш имконини берди.

ЮНИСЕФ халқаро жамғармасининг маълумотларига кўра, Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг амалдаги ўсиши 2002 йилда 1989 йилга нисбатан 106,8 фоизни (бу МДҲ мамлакатлари орасида энг юқори кўрсаткич) ташкил этган. Давлат бюджетининг қарийб 40 фоизи ижтимоий соҳага ажратилмоқда. Юзлаб янги иншоотлар, завод-фабрикалар, шифохоналар, қишлоқларда тиббий марказлар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қурилди. Улар энг замонавий асбоб-ускуналар, дастгоҳлар, компьютерлар билан жиҳозланди. Минг-минг километр йўллар, юзлаб кўприклар барпо этилди. Буларнинг барчаси юртимизда ислоҳот ислоҳот учун эмас, балки инсон учун, унинг фаровон ҳаёти, бахту саодати учун амалга оширилаётганини кўрсатади.

Яна бир далилга эътибор берайлик. Агар истиқлол арафасида мамлакатимизда йилига атиги 900 минг тонна атрофида ғалла етиштирилган бўлса, 2003 йили 5 миллион 100 минг тонна сара дон олинди. Бу Ўзбекистоннинг тўлиқ ғалла мустақиллигига эришганидан далолатдир.

## Маънавият

Шўро даврида барча қадриятларимиз қатори ўзлигимизнинг асоси бўлган маънавиятимиз ҳам тақиқланди. Миллий қадриятларимизга қарши хуруж шўро тузумининг сўнгги йилларида яна ҳам кучайтирилди. Жумладан, ҳар бир мусулмон ўзининг муқаддас бурчи деб билган суннат тўйлари тазйиқ остига олинди. Чорасиз қолганлар бу қадимий маросимни “туғилган кун” ёки “юбилей” номи билан ўтказишга мажбур бўлди. Одамлар ҳатто ота-онаси ёки қариндошининг дафн маросимида иштирок этишга ҳам қўрқадиган бўлиб қолди.

Биргина мисол. 1984 йили ўз укасининг жанозасига боргани учун академик С. Йўлдошев Ўзбекистон Компартияси XVI пленумида аёвсиз танқид қилинди. Ўша пленум минбаридан қуйидагича айбловлар янграган эди: *“Яқинда бўлиб ўтган дафн маросимига бағишланган жанозада ВАСХНИЛ академиги С. Х. Йўлдошев, учта фан доктори, бешта фан кандидати қатнашган. Уларнинг кўпчилиги партия аъзоларидир, бу масалада бошланғич партия ташкилоти, Киров райони, Тошкент шаҳар партия комитетлари сукут сақлаб турганлиги сиёсий жиҳатдан зарарли ва социал жиҳатдан хатарлидир”.*

Ўйлаб кўринг, ўз укасининг жанозасида қатнашиш “сиёсий жиҳатдан хатарли” деб баҳоланса, одамгарчилик қаёқда қолади?! Табиийки, бундай таҳдидлар жамиятдаги оммавий таҳлика ва саросимани баттар кучайтириб юборди. Натижада баъзилар яқинлари оламдан ўтса, жанозага боришдан чўчиб, зудлик билан касалхонага ётиб олар ёки “хизмат сафари”га жўнаб қолар эди. Бугина эмас, “алла”, “ялла” каби сўзлар “Аллоҳ” сўзидан келиб чиқмаганмикан, деган мутлақо асоссиз даъволар ўртага ташланди. Бу миллий қадриятларимизни, ота-боболаримиз асрлар оша эътиқод қилиб келган муқаддас динимизни таҳқирлаш учун ўйлаб топилган маломат эди.

Ҳаттоки, исломдан илгари пайдо бўлган қадимий Наврўз байрамини нишонлаш ҳам тақиқланди. Унинг ўрнига “Лениннинг ҳаёти ва фаолиятини тарғиб этишга асосланган илғор совет удумларини жорий этиш” шиори остида миллий хусусиятларимизга зид бўлган сохта анъаналар зўравонлик билан жорий қилинди. Рамазон ва Қурбон ҳайити кунлари КПСС ташвиқотчилари худосизликни тарғиб этишга зўр берар, даҳрийлик сиёсатини кучайтириш тўғрисида махсус дастурлар ишлаб чиқилар эди.

Амал курсисига зулукдек ёпишиб олган айрим хушомадгўй мансабдор шахслар уйма-уй юриб, дошқозонларда қайнаётган сумалакларни ағдариб ташлар, қолоқлик ва феодализм сарқити сифатида миллий либосларимиздан воз кечиш, диний маросимларда қатнашмасликка даъват этар эди. КПСС фаолларини жанговарликка ундаган қарорлардан бирида шундай таъкидланади: *“Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишни олиб боришда партия комитетлари жиддий хатоликлар ва нуқсонларга йўл қўймоқдалар, кўпгина салбий ҳодиса ва жараёнлар принципиал партиявий позицияларда туриб қараб чиқилмаётир, уларнинг моҳияти, асл сабаблари очиб ташланмаётир”* **(“Партия турмуши”, 1984 йил, 7-сон, 27-бет).**

Миллий қадриятларимизни йўқ қилишга қаратилган бундай мудҳиш сиёсат 80-йилларнинг охирига қадар давом этди. 1989 йилдан бошлаб эса вазият тубдан ўзгарди — маънавиятимизнинг оёқости қилинишига чек қўйилди ва уни тиклаш жараёни бошланди. 1990 йили “Навбаҳор”га ўхшаш ясама, “қизил” тадбирлардан безиб қолган халқимиз ўзининг азалий ва жонажон байрами — Наврўзни кенг нишонлади. Бу қадимий шодиёна билан юртимизга янги замон, келажакка ишонч руҳи, озодлик эпкинлари кириб келди. Одамлар янги давр бошланаётганини, Наврўз унинг элчиси эканини юракдан ҳис қилди.

Республика раҳбари ўша йиллардаёқ Наврўзни умумхалқ байрами сифатида нишонлаш ҳақида Фармон чиқариб, унинг мақомини қатъий белгилаб қўйди. Шундан бери ҳар баҳор юртимизда Наврўз янгиланиш, гўзаллик, табиат байрами сифатида кенг нишонланади. Қадимий фалсафаси, бетакрор анъаналари билан дунё аҳлини ҳайратга солаётган бу кўҳна ва ҳамиша навқирон шодиёна сунъий йўлдошлар воситасида жаҳоннинг 60 дан ортиқ мамлакатида намойиш этилмоқда.

Айни ўша оғир ва мураккаб йилларда бошқа миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримизни ҳам қайта тиклашга асос солинди. Халқимиз шўро замонида биринчи марта очиқчасига Рамазон ва Қурбон ҳайитларини нишонлади. Бу муборак байрамларимиз ўша даврдаёқ дам олиш куни деб эълон қилинди. Даҳрийликка асосланган тузумда исломий байрамларимизни нишонлашдек савоб ишларни йўлга қўйиш осон кечмади — ҳукмрон мафкура тарафдорларининг кескин қаршилигини енгиб амалга оширилди.

Ҳамма соҳада олий ҳакам аталмиш тарих ўшанда ташланган дадил қадамлар нақадар тўғри бўлганини, бугунги собит эътиқодимизга худди ўша йилларда асос солинганини кўрсатди. Келгуси авлодлар буни ҳеч қачон унутмаслиги даркор.

Мана, орадан йиллар ўтди. Бир вақтлар жамиятни ларзага солган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тўфонлар тинди ва такрорланмас тарихга айланди. Президент Ислом Каримов раҳбарлигида миллионлаб ватандошларимиз ҳузур-ҳаловатдан воз кечиб, мустақил давлат барпо этиш йўлида тинимсиз курашди, меҳнат қилди, ҳаётнинг бору йўғига чидади, синовларга бардош берди, кўплаб хавфу хатарлар, тажовуз ва таҳдидларни матонат билан енгиб ўтди. Юртимизда тинчлик ва осойишталик ўрнатиш, диний ақидапарастлик, терроризмга қарши курашнинг ўзи қанчалик куч, жасорат, қурбонлар талаб қилди. Мамлакатимизнинг жанубий сарҳадларидаги жиддий хавф-хатар — Афғонистондаги биродаркушлик урушига барҳам бериш йўлида Ўзбекистон Президенти томонидан олиб борилган саъй-ҳаракатлар охир-оқибат самарасини берди — дунё жамоатчилиги бу масалага эътибор қаратиб, жафокаш афғон заминига уя қуриб олган ашаддий террорчи кучларни тор-мор этди.

Бугун дунёда тенглар ичра тенг бўлган она Ўзбекистонимизни, кун сайин чирой очиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимизни, ҳар томонлама соғлом ёшларимизни, ҳар ишга қодир, ўзлигини англаган, жаҳонда ҳеч кимдан кам бўлмай яшашга интилаётган халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини кўрганда, биз шу давр мобайнида нақадар мураккаб ва шарафли йўлни босиб ўтганимизни яна бир бор аниқ тасаввур этамиз. Ҳар гал ана шу юксалишларнинг ташаббускори ва раҳнамоси бўлган Президентимиз Ислом Каримовнинг ақлидроки, мардлик ва матонатига қайта-қайта тан берамиз, шундай инсонни халқимизга бош қилгани учун Яратганга шукроналар айтамиз.

**Қуддус АЪЗАМ.**

[«Тафаккур» журнали 2004 йил 1-сон ].

*2004 йилнинг 2 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти (СМТИ) ва Жорж Маршалл номли Хавфсизлик муаммоларини ўрганиш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган "Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик" мавзуидаги халқаро конференция ўз ишини бошлайди.*

## Марказий Осиё:
# Хавфсизлик йўлида ҳамкорлик

Таъкидлаш жоизки, минтақавий барқарорликни таъминлаш республикамиз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Ўзбекистон мазкур омилнинг мамлакат ривожланишидаги ўта муҳим аҳамиятини инобатга олиб, ўз мустақиллигининг илк кунлариданоқ Марказий Осиёда хавфсизликнинг долзарб муаммолари ечимига оид барча масалаларга қатъий муносабат билдириб келмоқда. Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, минтақада ядросиз ҳудудни ташкил этиш, халқаро терроризм, диний экстремизм ва наркобизнес каби таҳдидларга қарши курашда ҳамкорликка доир ташаббуслари бунинг яққол исботидир

Кейинги йилларда халқаро терроризм, диний экстремизм сингари иллатлар чегара билмаслиги эътироф этилди. Уларнинг глобал миқёсда намоён бўлиши мазкур таҳдидлар ўчоғи саналган сайёрамизнинг чекка ҳудудларига халқаро ҳамжамиятнинг эътиборини жалб этди. Афғонистондаги аксилтеррор операциялари натижасида "Толибон" ҳаракати фаолиятига чек қўйилди. Марказий Осиёда вазият янада барқарорлашуви истиқболлари ойдинлаша бошлади. Бироқ Марказий Осиё хавфсизлигига бўлган таҳдидларга узил-кесил барҳам берилиши хусусида гапиришга ҳали эрта.

Терроризм, диний экстремизм ва наркотрафик сингари таҳдидлар ўзгарувчан шарт-шароитларга тез мослашиш хусусиятига эгадир. Мазкур омилни инобатга олганда, Марказий Осиёнинг барқарор ривожланишидан манфаатдор томонлар ўртасида ўзаро мулоқотларни давом эттириш алоҳида аҳамият касб этади.

Маълумки, Жорж Маршалл Маркази халқаро миқёсда эътироф этилган ўқув ва таҳлилий марказлардан саналади. У 1993 йилда ташкил қилинган бўлиб, АҚШ ва Германия ҳукуматлари томонидан қўллаб-қувватланади. Демократик мудофаа тузилмаларини ривожлантириш орқали янада барқарор хавфсизлик муҳитини яратиш, Шимолий Америка, Европа ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида узоқ муддатли ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш Жорж Маршалл Марказининг асосий вазифасидир.

Ж. Маршалл Маркази таркибида Халқаро алоқалар ва хавфсизлик масалаларини ўрганувчи Коллеж ва Конференциялар Маркази фаолият юритади. Ушбу Коллеж ҳарбийлар ва давлат муассасалари хизматчиларига мўлжалланган учта халқаро ўқув курсларини таклиф этади. Мазкур дастурлар демократик давлатларда миллий хавфсизлик сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнларига доир кенг қамровли масалаларни ўрганишга бағишланган. Ўтган йиллар давомида Марказнинг таълим дастурларида 45 давлат вакиллари қаторида юздан ортиқ ўзбекистонлик мутахассислар ҳам иштирок этишди.

Пойтахтимизда ўтказиладиган навбатдаги анжуманнинг асосий мақсади хорижий экспертлар иштирокида минтақавий хавфсизликни таъминлаш, Марказий Осиёда умумий бозорни шакллантириш муаммоларини муҳокама қилиш, минтақа давлатлари ўртасида халқаро терроризм, диний экстремизм ва наркотрафикка қарши курашда ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан янги таклифларни ишлаб чиқишдан иборат. Шунингдек, ҳарбий ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаларидаги ҳамкорликнинг турли жиҳатларига бағишланган фойдали маълумотлар ҳам Конференция иштирокчилари эътиборига ҳавола қилинади.

Анжуманда Марказий Осиё ва Кавказ давлатлари, шунингдек, АҚШ, Германия, Афғонистон, Мўғулистон ва бошқа мамлакатлардан келган экспертлар қатнашиши режалаштирилган. Шунингдек, БМТ, ЕҲҲТ, Европа Иттифоқи, Жаҳон Банки ва ЕТТБ сингари бир қатор нуфузли халқаро ташкилотлар вакилларининг иштирок этиши ҳам кутилмоқда.

Конференция давомида иштирокчилар минтақавий интеграция борасидаги Европа тажрибаси, Марказий Осиёда транспорт-коммуникация ва сув-энергетика лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама этадилар.

Дунёнинг етакчи давлатлари ва халқаро ташкилотларининг Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштиришга нисбатан бўлган ёндошувлари ҳам кўпчиликни қизиқтириши, шубҳасиз.

# ОЛАМ НАФАСИ
## Янгиликлар, воқеалар, далиллар

### Марсда ҳаёт излари

Шу йил 24 январь куни Марсга учирилган иккинчи «Оппортьюнити» деб номланган сунъий йўлдош муваффақиятли қўнганидан хабарингиз бор. Америка космик агентлиги олимлари «Оппортьюнити» жўнатаётган рангли расмларда жигар ва қизил ранглардан ташқари яшил ранг ҳам борлиги, бу эса бир вақтлар Марсда ҳаёт бўлганлигини билдиради дейишмоқда. НАСА раҳбарияти бу ҳақда New Scientist журналига интервью берганидан сўнг олимлар ўртасида катта баҳс-мунозара бошланиб кетди.

### Асирлар алмашуви



Германиянинг Кёльн шаҳридаги Ван аэропортида Ливаннинг «Ҳезбаллоҳ» диний экстримистик ташкилоти ва Исроил ўртасида асирлар алмашинуви бўлиб ўтди. Германияликлар воситачилигида охирги бир неча ойлар давомида ўтказилган музокаралар натижасида шундай битимга эришилди. Бунда Исроил тарафи 436 асирни озод қилди. Уларнинг ичида ливанликлар, фаластинликлар ва бошқа мамлакатларнинг фуқаролари бор. «Ҳезбаллоҳ» томони эса исроиллик тадбиркор Эльханан Танненбаум ва уч исроиллик ҳарбийнинг мурдасини топширди.

### Ҳарбий битим имзоланди

Шимолий Корея Нигерияга ракета ишлаб чиқарувчи технология сотиш таклифи билан чиқди. Бу ҳақда Reuters ахборот агентлиги Нигерия ҳукумати берган маълумотга таяниб хабар тарқатди. Тез орада икки давлат ўртасида технологияни етказиб бериш тўғрисида дастлабки битим имзоланиши кутилмоқда. Нигерия вице-президенти Атику Абубакар ва унинг Шимолий кореялик ҳамкасби ўртасида ўтказилган музокаралар якунида шундай келишувга эришилди.

Нигерия ҳукумати вакилининг сўзларига қараганда, Шимолий Корея тарафи икки давлат ўртасида ҳарбий ҳамкорликни йўлга қўйиш таклифини илгари сурган. Унинг қайд этишича, бу ҳамкорлик оммавий қирғин қуролларига тегишли эмас.

### Нью-Йоркда қалин қор

АҚШда кучли қор ёғиши оқибатида охирги тўрт кун ичида 56 одам қурбон бўлди. Мамлакатнинг шарқий қисмида бир неча бор кучли қор бўрони қайд этилди. «Интерфакс» ахборот агентлигининг маълум қилишича, Нью-Йорк шаҳрини айни пайтда қалин қор қоплаган. Об-ҳавонинг бундай ноқулай келиши оқибатида шаҳарда транспорт қатнови тўхтади, мактаблар вақтинча ёпилди. Ҳатто, БМТнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳи ҳам вақтинчалик ўз фаолиятини тўхтатди. Мамлакатнинг жануби-шарқий ҳудудида бир қанча аҳоли пунктлари электр энергиясиз қолган. Ҳозирда Нью-Йорк шаҳар мэрияси ноқулай об-ҳаво шароитида яна содир бўлиши мумкин бўлган турли табиий офатларга тайёргарлик кўрмоқда.



### Автобус рельсда юради

Японияда рельсда ҳаракатланадиган 25 ўринли автобус ишлаб чиқарилди. У ерда юргандай темир изларда ҳаракатланади. «Новости» ахборот агентлигининг хабар беришича, бу автобуслар шаҳар ичида аҳоли ташишда оддий автобусларга қараганда бир неча афзалликларга эга. Кўринишидан одатдаги автобуслардан фарқ қилмаса-да, тўрт қаторли рельсда резина шиналарда бемалол ҳаракатланади.



### Мақсад — террорчини ушлаш

Пентагон Покистонда ҳарбий операция ўтказиш режасини кўриб чиқмоқда. Бундан асосий мақсад Усама бин-Лоденни қўлга олишдан иборат. Биринчи рақамли террорчи Афғонистон — Покистон чегараларидаги тоғларда яшириниб юрган бўлиши мумкин, деган тахминлар бор. Бу ҳақда Пентагон берган маълумотга таяниб Американинг бир неча оммавий ахборот воситалари хабар тарқатди. Тахмин қилинишича, мазкур режа йил давомида АҚШ ҳукуматининг юқори доиралари муҳокамасидан ўтказилади.

## "Сармоядорлар учун янги манзил: Ўзбекистон"



**_Туркияда нашр этиладиган ойлик иқтисодий янгиликлар журнали — "EKOVTRN"нинг 2004 йилдаги илк сони Ўзбекистонга бағишланди. Мамлакат ишбилармон доиралари учун мўлжалланган мазкур журнал аксар мақолалари билан бир қаторда чиройли ишлов берилган муқоваси орқали ҳам ўзига хос чақириқни акс эттиради: "Сармоядорлар учун янги манзил: ЎЗБЕКИСТОН. Бош вазир Эрдоғаннинг расмий ташрифидан сўнг Туркия ва Ўзбекистон муносабатларида янги давр бошланди"._**

Журналнинг кириш қисмида бош муҳаррир Доктор Казим Килинч икки мамлакат ўртасидаги муносабатларга ижобий баҳо берар экан, янги йилнинг илк сонида Ўзбекистонга катта эътибор қаратилганини "Қардош Ўзбекистонда сармоя даври бошлангани" билан изоҳлайди. "Иқтисодиёт кўзгуси" рукнида чоп этилган мақолада Ўзбекистон Туркиянинг Ўрта Осиёдаги йирик ҳамкори деб таъкидланади.

Туркия ва Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий муносабатларга баҳо берар экан, "EKOVTRN" журнали Бош вазир Р.Эрдоғаннинг ушбу баёнотини келтиради: "Турк ишбилармонлари учун Ўзбекистон Марказий Осиёдаги товар ишлаб чиқариш ва савдо марказига, Туркия эса ўзбек маҳсулотларининг жаҳон бозорига олиб чиқадиган мамлакатга айланиши мумкин".

Журналда ёзилишича, ҳозирги кунда Ўзбекистонда Туркия сармоядорлари билан ҳамкорликда тузилган 244 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Шулардан 53 таси юз фоиз Туркия сармояси билан ташкил этилган.

Журналда, шунингдек, Ўзбекистон ҳақидаги жуғрофий ва иқтисодий маълумотлар, туркиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда бунёд этилган корхоналар, мамлакатимизда фаолият олиб бораётган турк фирма ва ташкилотлари раҳбарлари билан суҳбатлар, репортажлар эълон қилинган. Мақолалар Ўзбекистоннинг тарихий, маданий ва замонавий кўринишлари акс этган фотосуратлар билан бойитилган.

**А. БЕРДИҚУЛОВ,**
**"Жаҳон" АА.**

## Диктаторнинг «дўстлари»

*Ироқда чоп этиладиган «Ал-Мада» газетасида диктаторлик даврида Саддам Ҳусайн томонидан «сотиб» олинган 270 нафар дунёнинг йирик сиёсатчилари, сиёсий партиялар, хорижий компания ва ташкилотлар номлари санаб ўтилган рўйхат эълон қилинди. Унда дунёнинг 46 давлатидан диктаторнинг махсус «совға»си билан сийланганларнинг номлари бор. Хусусан, булар Миср, Иордания, Сурия, Бирлашган Араб Амирликлари, Туркия, Судан, Хитой, Австрия, Франция, Россия ва бошқа бир қатор давлатлардир .*



Газетада айтилишича, Саддам ўзининг «дўстлари» билан БМТнинг «Нефтга озиқ-овқат маҳсулотларини айирбошлаш» дастури орқали мамлакатнинг миллионлаб баррел нефтини четга сотиб, ўз ҳисобига ўзлаштирган.

Бир қанча араб давлатлари президентларининг ўғиллари ва шу давлатларнинг вазирлари, Индонезиянинг таниқли сиёсий арбоби, Россия Либерал демократлар партияси етакчиси Владимир Жириновский, Фаластин Озодлик ташкилоти, Россия коммунистлар партияси ҳамда Рус Провослав черкови ҳам мазкур рўйхатдан жой олган.

Independent газетасида нашр этилган мақолада келтирилишича, «Ал-Мада» Ироқдаги диктаторлик режимига қарши урушга ўз қаршилигини билдирган давлатларга, жумладан, Францияга нисбатан ишончсизлик кайфиятини уйғотди. Бироқ АҚШ маъмуриятининг йирик мартабали вакили мазкур ҳужжатга шарҳ бериб, франциялик дипломатлар ғаразли ниятда шундай йўл тутганликларини рад этди.

Ироқ нефть вазирининг ёрдамчиси Абдул Соҳиб Котоб кўплаб одамларни ўз томонига оғдириб олишда, халққа жабр-зулм ўтказишда Саддам мамлакатнинг «қора олтини»дан самарали фойдаланганлигини таъкидлади. Унинг сўзларига қараганда, Нефть вазирлиги мазкур ҳужжатни судга топширишга тайёргарлик кўрмоқда ҳамда Ироқнинг янги ҳукумати Интерпол ёрдамида совурилган пулларни мамлакатга қайтаришга уриниб кўради. Ҳозирча Интерпол бу маълумотга ўз муносабатини билдирганича йўқ.

«Ироқни қайта қуриш ишларига жалб этиш учун бу маблағ қайтарилиши шарт ва бунинг учун биз барча чоралар кўрамиз», деди вазирликнинг юқори мансабдорларидан бири.

«Ал-Мада»да чоп этилган ҳужжатда Саддам Ҳусайн даврида Ироқдан нефть сотиб олган давлат ташкилотларига катта урғу берилган. Газета бош муҳаррирининг таъкидлашича, таҳририятда ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб нефтни четга етказиб беришга доир имзоланган кўплаб ҳужжатлар мавжуд. Мазкур ҳужжатлар Америка ҳарбийлари Боғдодга кириб келишидан бир неча соат олдин газета таҳририятига келтирилган.

Диктаторлик режимини ёқлаганлар қаторида Рус Провослав черкови ҳам бор. Черков руҳонийлари делегацияси Ироққа уруш бошланишидан олдин ташриф буюришганди. Ҳатто, ундан кейин ҳам улар Саддам Ҳусайнга мактублар жўнатиб турган. Ўтган йил 1 апрелда митрополит Кирилл Рус провослав черкови номидан махсус чиқиш қилиб, Ироққа қўлланилаётган иқтисодий санкцияни зудлик билан бекор этишни талаб қилди. Михаил ота Дудко NEWSru.com интернет сайтига интервью бериб, айни пайтда Рус Провослав черкови «Ал-Мада»даги чиқишга расмий жавоб бериш учун махсус тайёргарлик кўраётганлигини билдирди.

"Дейли телеграф" газетасида эълон қилинган мақолада бу ҳужжат БМТнинг «Нефтга озиқ-овқат маҳсулотларини айрибошлаш» дастури орқали Саддам Ҳусайн режимини 46 давлатнинг юқори амалдорлари қўллаб-қувватлаганлигини яққол кўрсатди, дейилади.

Жорж Буш маъмуриятининг бу хусусдаги фикрига тўхталадиган бўлсак, АҚШ ўз иттифоқчиларини йўқотишни истамайди. Хусусан, контрабанда йўли билан Ироқ нефти катта миқдорда четга Туркия орқали чиқиб кетишидан АҚШ кўз юмади, дейилади «Дейли телеграф» газетасида.

**Юнус БЎРОНОВ.**



### Дам олишга вақт йўқ

Япония Вазирлар Маҳкамаси девони ўтказган сўровнома натижаларига қараганда, мамлакатнинг вояга етган аҳолисининг тенг ярми ўтган йили, бир марта бўлса-да, кинога ҳам, театрга ҳам, концертга ҳам, бадиий кўргазмага ҳам бормаган. Сўровда қатнашган 2100 одамнинг 51 фоизигина маданий ҳордиқ чиқариш учун фурсат топганини билдирган. Бунинг сабаби, японларнинг маданий ҳордиқ чиқаришга қизиқиши сўниб бораётганидан эмас, балки вақт етишмаслигида.

### Буни торт деса арзийди

Германиянинг жанубидаги Хефен шаҳарчаси қандолатчилари улкан торт пиширдилар. Унинг диаметри 7,5 метр, оғирлиги эса 4800 килограммни ташкил этади. Қандолатчилар бу тортлари билан Гиннес рекордлар китобига кирмоқчи.

### Семирмай десангиз...

Семириб кетган одамларнинг 80 фоизи тез овқатланади, таомни катта-катта тишлайди ва охиригача чайнамасдан ютади. Тажрибалар шуни кўрсатдики, таомни узоқ чайнаш инсоннинг турли органлари ва тўқималаридан гистамин моддаси ажралиб чиқишини таъминлайди. Худди шу модда инсон организмидаги ёғларни парчалайди. Семирмай десангиз, шошмасдан овқатланишни одат қилинг.

### Анд тоғи ўсмоқда

Буэнос-Айрес университети олимларининг фикрича, Анд тоғи ҳар йили 0,5 – 4,5 миллиметрдан баландлашиб бораяпти. Маълумки, бу тоғ бундан 27 миллион йил бурун Наска ва Жанубий Америка литосфера плиталари қўшилиши натижасида пайдо бўлган. Бугун ҳам бу жараён давом этмоқда. Натижада Аргентинанинг Сан-Хуан музофотидаги аҳоли пунктлари йилига 7,3 миллиметр, Чили пойтахти Сантьяго эса 19,4 миллиметр тезлик билан ғарб томонга силжимоқда. Ернинг ҳаракати шундай давом этса, 63-64 миллион йилдан сўнг Сантьяго ва Буэнос-Айрес қўшилиб, битта шаҳарга айланиши мумкин. Мутахассисларнинг гапига қараганда, ер ҳаракатининг асосий сабаби кичик балли зилзилалардир.



### Энг қадимги марка

Энг қадимги почта маркаси Эронда пайдо бўлган. Бу эронлик мутахассисларнинг фикри. Уларнинг айтишича, биринчи марка эрамиздан аввалги 336 йилда лойдан ясалган. Қоғозга чизилган почта маркалари эса бундан 135 йил бурун Насриддин шоҳ даврида яратилган.

## «Сиз бахтлимисиз!»





Доимо шахсий ҳаётда бирор нарсага эришишни истаймиз. Орзу-истакларимизни рўёбга чиқариш илинжида ҳар дақиқани талваса ичида ўтказиш кундалик турмуш тарзимизга айланган. Гўё шуларсиз бу дунё ўз рангини йўқотадигандай. Катта фирма ёки компаниянинг эгаси бўлиш, бир сўз билан айтганда, ортиқча бойлик инсонга бахт келтирадими? Шу мавзуда яқинда Халқаро тадқиқотлар институти (Worldwatch Institute) ташкилотнинг йиллик ҳисобот маърузасини эълон қилди. Унда бугунги кундаги сайёрамизнинг умумий аҳволи ҳақида гап боради: «Биз бойиган сари бахт нималигини унутаяпмиз.» Ташкилот назарида ривожланган давлатларда саноатнинг жадал суръатларда ўсиши Ер юзи аҳолисининг турмуш тарзига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Бироқ бу ўсиш истеъмолчилар бозорининг кенгайиб боришига муносиб жавоб бериб, қўшимча иш ўринларини яратаяпти. Институт деректори Крис Флейвиннинг айтишича, истеъмолчиларнинг бундай тез суръатларда ўсиб бориши табиатга жиддий хавф туғдирмоқда.

Институт олимларининг фикрича, кимўзарга кўп маҳсулот ишлаб чиқариш экологиянинг бузилишига сабаб бўлмоқда. Оқибатда инсониятнинг турмуш тарзи ёмонлашмоқда. Америка мисолида бу нарсани яққол кўриш мумкин. Маърузада айтилишича, америкаликларда шахсий машинага эга бўлганлар сони кўпайган. 1972 йилдан 2001 йилгача музлатгичларга эга бўлган хонадонлар сони 10 фоизга ошган. Кўп қаватли уйларда яшаётган аҳоли сони кўпаймаса-да, 1975 йилдан 2000 йилгача уй қурилиши 38 фоизга ошди. Америкаликлар ўртасида ўтказилган сўровномада, «Сиз бахтлимисиз?» деган саволга ҳар учтадан бир одам жавоб бера олган, холос.

Маърузада келтирилган маълумотга қараганда, 1,7 миллиард одам «истеъмолчилар синфи»га кирар экан. Улар талаб даражасида овқатланиш, ўзлари ўйлаганларидек ҳаёт кечириш имкониятига эга. Европа, АҚШ ва Япония фуқаролари бундай истеъмолчиларнинг асосий қисмини ташкил қилади. Хитойнинг 240 миллион аҳолиси охирги йилларда «истеъмолчилар синфи»га кирди.

Истеъмол бозорининг йилдан-йилга мисли кўрилмаган тарзда ўсиб бориши атроф-муҳитнинг ифлосланиши, ўрмонларнинг йўқ бўлиб кетиши, табиий ресурсларнинг йўқолишига сабаб бўлмоқда.

«Шундай экан, биз истеъмолчиликни назорат қилиш ўрнига, у бизни назорат қилмоқда», дея таъкидлади институт директори.

## Эҳтиёт бўлинг, Вирус!

Интернет тармоғида Mydoom ёки Novarg номли янги вирус пайдо бўлди. Бу вирус электрон почта орқали тарқалиб, тармоқлар фаолиятини тўхтатади ва ғаразли ниятдаги шахслар учун персонал компьютерларга йўл очиб беради.

«Mydoom» вируси аниқланганидан кейин бир неча соат ўтгач, тармоқларга минглаб электрон хатлар ёрдамида уюштирилган вирус ҳамласи бошланди», дейди Тармоқлар ассоциацияси Калифорния тезкор ёрдам гуруҳи вице-президенти Винсент Жулотто.

Мутахассислар янги вирусни инқилобий вирус деб аташмоқда. У жуда ҳам тез суръатларда тарқалаётганлиги учун Американинг вирусга қарши дастурлар ишлаб чиқарувчи барча компаниялари «жанговар» ҳолатга келтирилган.

Вирус электрон хатга илова сифатида почтага етиб келади. Электрон почта эгаси иловани очганидан, вирус автоматик тарзда бошқа адресларга ҳам ўтади. Бундан ташқари, у компьютерларнинг «яширин дарчаларини» очиб беради. Хакерлар эса бу дарчалар орқали терминаллар ёрдамида вирус ўрнашган компьютерларга кириб, бемалол ўз ғаразли ниятларида фойдаланиши мумкин.

«Бугунги кунга келиб бу вирусни дунё бўйича учратиш мумкин», дейди мутахассислардан бири.

Тез-тез уюштириб туриладиган хакерлар ҳамласи компьютердан фойдаланувчиларни турли хилдаги хат иловаларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишга ўргатиб қўйди. Электрон хат билан келган илова очилганидан кейин, у билдирмасдан вирусли дастурни компьютерга ёзиб қўяди. Бу дастур хакерларга, айтайлик шахсий фойдаланувчини кредит картаси рақамлари ва барча паролларини билиб олиш имконини беради.

Мутахасислар вирусдан сақланиш учун фойдаланувчиларга бир неча маслаҳат беради. Биринчидан, компьютерга вирусга қарши дастурни ўрнатиш керак. Уни тез-тез янгилаб туриш лозим. Ҳеч қачон электрон хатлар билан келган иловаларни автоматик тарзда очиш керак эмас.

**Хуршид РАУПОВ.**

